

АМИР ТЕМУРНИНГ УСМОНЛИ СУЛТОН БОЯЗИД БИЛАН УРУШИ ВА УНИНГ ЖАҲОН ТАРИХИДАГИ ЎРНИ

Мадалиева Рухшона Хакимджановна

Божхона институти катта ўқитувчиси, с.ф.н.

Абдусамедов Нодир Анварович

Божхона институти катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Мавароуннахр ҳукмдори, буюк саркарда Амир Темурнинг усмонли султон Боязид билан Анқара урушининг тарихий воқеалари ва уларнинг гарб мамлакатлари учун аҳамияти ёритилган.

Таянч иборалар: *Амир Темур, тарихий шахс, ўрта асрлар, тарихий манбалар, Анқара уруши, Амир Темур дипломатияси, қудратли давлат, Европалик халқлар, Гарб мамлакатлари.*

АННОТАЦИЯ

В настоящей статье изложены исторические события, связанные с битвой правителя Мавераннахра и великого полководца Амира Темура с османским султаном Баязидом при Анкаре и их значение для западных стран.

Опорные слова: *Амир Темур, историческая личность, средние века, исторические источники, дипломатия Амира Темура, великая держава, народы Европы, западные страны.*

ABSTRACT

This article outlines the historical events associated with the battle of the ruler of Transoxiana and the great commander Amir Temur with the Ottoman Sultan Bayezid at Ankara and their significance for Western countries.

Key words: *Amir Temur, historical figure, Middle Ages, historical sources, diplomacy of Amir Temur, great power, peoples of Europe, Western countries.*

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўзининг бой тарихини, миллий қадриятларини ўрганишга муҳим эътибор қаратди. Ниҳоятда бой тарихий меросимизни жаҳон ҳамжамиятига яқинроқ таништириш мақсадида мамлакат худудида жойлашган миллий-маданий обидаларни тиклашга, миллий давлатчилик кўрилишига беқиёс ҳисса қушган буюк саркарда ва тарихий шахслар, илм-фан тараққиёти йўлида бебаҳо асарлар яратган Шарқ алломаларнинг ҳаёти ва ижодий меъросини чуқур ўрганишга жиддий киришилди.

Асрлар давомида синаб келган тарихий қонуният шундайки, халқ ўзининг ҳаётида ўта оғир ва қалтис даврларни бошидан кечаётган пайтда сиёсий майдонга улкан тарихий шахс қадам қўйиб миллатни инқироз гирдобидан олиб чиқиб, давлатчилик эгарларини мислсиз даражага қутаришга муяссар бўлган.

Адолатли ҳукмдор, давлат арбоби, ўз даврининг илғор ислоҳотчиси, моҳир саркарда, мустақиллик учун енгилмас курашчи, илм-фан ва маданият раҳнамози Амир Темур мана шундай забардас шахслардан бири бўлган. Унинг бутун ҳаёти ва фаолияти Мавороуннаҳрда кучли марказлашган давлатни барпо этиш мақсадига қаратилган бўлган.

Дунёнинг турли жойларида улуғ аждодимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳон цивилизацияси ва маданияти тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси юксак баҳолаб келмоқда. Халқаро жамоатчилик томонидан бундай ўлкан эътибор ва эҳтиромни билдириб турганлиги, бу зотнинг ворислари сифатида Ўзбекистон ёшларига катта фахр-ифтихор бағишлайди.

Соҳибқироннинг буюк тарихини чуқур ўрганиш ҳақида сўз юритилар экан Президент Шавкат Мирзиёевнинг "... Ватаннинг ҳар бир посбони Амир Темур ва улуғ лашкарбошиларимиз ўғитларини, уларнинг ҳарбий меросини чуқур билиши керак, деб қайта-қайта таъкидлаб келаман. Бу ўлмас ва бебаҳо мерос ҳозирги кунда ҳам ҳар биримизнинг қалбимизга чексиз ғурур бахш этади, муқаддас тупроғимизга садоқат туйғуларини кучайтиради" деб таъкидлагани албатта бежиз эмас [1].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Амир Темурнинг тахтга ўтирган давридан бошлаб XV асрнинг бошларигача нафақат Турон замин балки Ғарб ва Шарқда кечган сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, халқаро жараёнлар ва дипломатик алоқалар Соҳибқирон номи билан боғлиқ бўлган. Унинг моҳир етакчи ва ислоҳотчи сифатдаги қобилиятлари одилона бошқарув, саркардалик санъати, ташқи сиёсат ва дипломатияда ўзининг ёрқин аксини кўрсатди. Амир Темур саройининг ҳузурига Хитой, Ҳиндистон, Олтин Ўрда, Испания, Франция, Византия, Англия каби ўрта асрлардаги йирик давлатлардан элчилар келган.

Соҳибқирон тузуклари ва ҳаётда амал қилган тамойиллардан биламизки, Амир Темурнинг ўзи ҳеч қачон ҳарбий ҳаракатларни биринчи бўлиб бошламаган. Бу кўплаб тарихий ҳужжатларда ҳам тасдиқланган. Аксинча, саркарда доим дастлаб муаммоларни тинч сиёсий йўл билан ҳал қилишга интилган. Амир Темур барпо этган қудратли давлатининг чекка жойларида ҳам ободончилик ишлари амалга оширилган, халқларнинг тинчлик ва тотувликда яшаши ва уларнинг манфаатлари таъминланган, илм-фан, санъат ва маданият

ривожланган. Меъморчилик ва қурилишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, улуғ бобокалонимизнинг серқиррали бунёдкорлик фаолияти Шарқ Ренессанси учун замин бўлиб хизмат қилган [2].

Буюк саркардага бошқа мамлакатларнинг ҳукмдорлари кўплаб мактублар юборганлар. Буларнинг нусхалари бизнинг кунимизгача етиб келиб, хорижий давлатлар архивларида нодир тарихий намуналар сифатида сақланиб келинмоқда.

1988 йилда Францияда Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиш ассоциацияси ва унинг “Темурийлар” номли журналини асосчиси европалик тарихчи, темуршунос олим Люсьен Керен ўзининг асарларида бу ҳақида шундай ёзган: “Амир Темур европалик ва византиялик элчиларини иззат-икром билан қабул қилди, уларнинг қироллари ва императорларига бўлган ўзининг самимий муносабатини билдириб, мактубларига жавоб битди” [3].

Мазкур ёзишмаларнинг аксариятини мазмуни ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб сиёсий майдонида иккита йирик саркарда сифатида танилган Амир Темур ва усмонли султон Боязид Йилдирим ўртасидаги уруши билан боғлиқ тарихий воқеаларни ўз ичига олган.

Мисол учун, Амир Темур ва Боязид ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги кўплаб маълумотлар 1380–1440 йилларда яшаган немис солномачиси Иоганн Шилтбергернинг манускриптларида аниқланган. Амир Темурнинг шахси, шарқий минтақалари, туркий халқларнинг ўрта асрлардаги тарихи ва маданияти ҳақидаги маълумотларни Европа аҳли айнан унинг мемуарларидан олган [4].

Юқорида таъкидлагандек, Амир Темур сиймоси хамиша миллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг эътибори остида бўлиб келган. Турк султони Боязид устидан ғалаба қозониши туфайли, саркарда христиан дунёсининг кутилиб бўлмас халокатдан қутқарувчиси сифатида асрлар давомида Европалик сайёҳлар, олимлар ва тадқиқотчиларни ўзига жалб қилиб келган. Бунга кўра XVI асрдан бошлаб Европада минатдорчилик тариқасида Амир Темурнинг ҳаёти, фаолияти ва давлат бошқарувига бағишланган бир қатор бадиий асарлар, тарихий қўлёзмалар ва мемуарлар яратилган. Темур ҳақидаги биринчи мусиқий опера Европада 1689 ва 1690 йилларда италян бастакорлари И.Фортч ва М.Зианиларнинг ижодларида баён этилган. Уларда соҳибқирон адолатли ва олийжаноб ҳукмдор, маҳоратли саркарда ҳамда буюк тарихий шахс сифатида тасвирлаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъбири билан айтганда, Амир Темурнинг энг асосий тарихий хизмати шундан иборатки, айнан унинг ҳукмронлиги даврида Европа ва Осиё қитъалари илк бор

ўзларининг бир геосийёсий майдонда яшаётганларини ҳис этганлар. Соҳибқирон савдо-иқтисодий муносабатлар орқали халқлар ва мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ [5].

Соҳибқирон ва Боязид ўртасидаги уруш воқеалари византиялик муаллифлар томонидан ёзилган хроникаларда ҳам кенг баён этилган. Мазкур даврни тадқиқ этилаётган тарихчилар учун айнан византиялик манбалар алоҳида эътиборга сазовор. Чунки бу давлатининг пойтахти бўлмиш Константинополь шаҳри усмоний ҳукмдорлар томонидан нишонга олиниб Анқара урушидан анча олдин уни забт этиш учун фаол ҳаракатлар бошланган эди.

Бундай нуқтаи назардан, замонавий давргача етиб келган ва кам ўрганилган византиялик тарихчилар Дуки ва Леоник Халкокондилларнинг матинларига назар солишимиз мункин. Уларнинг манбалари Константинополни усмоний турклар томонидан 1453 йилда босиб олинганлигидан сўнг ёзилган бўлсада, 1402 йилда содир этилган икки буюк ҳукмдор ўртасидаги жанг византияликлар учун муҳим аҳамият касб этганлиги ҳақида батафсил маълумотларни ўз ичига олганлар. Муаллифларнинг баёнларига кўра, Амир Темурнинг ғалабасини Византия аҳолиси кутарин кайфият билан қабул қилиб, уни тақдирнинг илоҳий тухфаси сифатида кўриб, саркардани ҳатто афсонавий қахрамон даражасига кўтарган [6].

Европа халқларининг тақдири ўрта асрлар мусулмон дунёсининг икки қудратли саркардаси ўртасидаги муносабатларга боғлиқ бўлсада, лекин насроний ҳукмдорлари аслида Амир Темурга берган ваъдаларига содиқ қолмай ёлғон иттифоқдошларга айландилар. Бу эса Соҳибқиронни йўлдан оғиштирмади ва у ўзининг қўшинлари билан жангга киришди.

Амир Темур билан усмонли турк султони Боязид Йилдирим қўшинлари ўртасида 1402 йил 28 июлда Анқара уруши бўлиб ўтди. Тарихий ёзма манбаларда, икки ўртадаги кучлар нисбати тўғрисида турлича маълумотлар учрайди. Умуман олганда жангда икки томондан ҳар бирининг икки юз мингдан ортиқ жангчилари иштирок этган.

Амир Темур қўшинлари юз мингдан ортиқ суворий, йигирмага яқин жанговар фил ва кам сонли, аммо юқори малакали муҳандислар, темирчилар ва нақабчилар каби мутахассисларни ўз ичига олган пиёда лашкарлардан иборат эди. Унинг суворийлари асосан қилич ва камон, шунингдек, енгил зирҳ кийиб, найза, тўқмоқ ва болта билан қуролланган эди [7].

Соҳибқироннинг қўшинлари катта жанговар тажрибага эга бўлган. Унинг энг яхши роталари заҳирада турган ва жанг вақтида содир этиши мункин бўлган ҳар қандай кутилмаган ҳодисаларни қайтаришга киришган.

Жангга киришган усмонли кучлар Амир Темур қўшинининг ўнг қанотидан ҳужум қилди ва унинг орқа тарафига ўтиб, асосий кучларини заҳира қисмлардан ажратиб қўймоқчи бўлди. Лекин бу ҳужумни Темурнинг отлик бўлинмалари қайтара олдилар. Султоннинг ўнг қаноти Темур қўшинларининг зарбасидан деярли жангсиз мағлубиятга учради ва Боязид қўлида фақат соқчилар ва фахрийлардан ташкил этилган қўшинлар қолди.

Темурнинг ўрта ва чап қанот қисмлари ҳам ҳужумга ўтиб, султон қўшинининг иккала қанотини тор-мор этди. Боязид қўшинларининг чап қаноти қўмондони иккинчи қанотнинг тор-мор этилишини кўриб, жангдан чекинишга қарор қилди. Яничарлардан ташкил этилган сара аскарлари ҳам янчиб ташланди. Шунда Соҳибқироннинг армияси “қўлни билагузук сиқгани” каби душманни ўраб олишга киришди.

Султон қўшинларининг ғалабага умиди ҳам қолмади. Боязиднинг омон қолган аскар ва саркардалари ҳар тарафга қараб қоча бошлади. Аҳвол оғирлигини кўрган усмоний беклари Боязидга чекинишни тавсия қилишганида у бунга кўнмасдан яничарлар билан урушни давом эттирди. Аммо отасининг энгилаётганини кўрган шаҳзода Сулаймон Чалабий отасини ташлаб пойтахт Бурсага қочди. Акасининг ортидан шаҳзода Муҳаммад ва Исо Чалабийлар ҳам оталарини ташлаб қочишди.

Урушда Боязиднинг мағлубиятга учрагани аниқ бўлиб қолди. Ушанда ҳам марказда турган Йилдиримнинг ўзи яничарлар билан қаттиқ қаршилик қилиб, таслим бўлишни истамас эди. Тез орада Амир Темур лашкарлари Боязидни қуршаб олиб яничарларини қириб ташлашди. Жанг майдонидан чекинган Боязидни энди ҳеч нарса ва ҳеч ким қутқара олмасди. Анқарадан узоқ бўлмаган жойдан Амир отрядларидан бири Боязид Йилдиримни асирга олиб Амир Темур қароргоҳига олиб келди.

Шундай қилиб “Анқара жанги” Соҳибқироннинг мутлақ ғалабаси билан тугади. Боязид Йилдирим душман бўлса ҳам, Амир Темур ўз рақибига ҳурмат ва шавқат ила муносабатда бўлди. Бу ҳақида маълумотлар тарихий манбаларда ҳам акс эттирилган.

Машҳур француз темуршунос олими, профессор Марсель Брионнинг ёзишича: “Амир Темур урушдан сўнг соқчиларига Боязидни қаттиқ қўриқлашни, аммо ҳурматини жойига қўйиб муносабатда бўлишларини буюрган” [8].

Кутилмаганда Боязид бот касаллигига дучор бўлиб қолди. Соҳибқирон султонни Оқ қалъага даволаниш учун жўнатиб юборди. Аммо 1403 йил 8 март куни султон Боязид вафот этди. Амир Темур шаҳзода Мусони ҳузурига чақириб “Отангизнинг муқаддас хокини султонларга хос иззат-икром билан Бурсага олиб бориб, тириклигида ўзи қурдириб қўйган иморатга дафн этинг”, деб буюрди. Боязиднинг тўнғич ўғли Сулаймон Чалабийни эса туркларнинг Европадаги вилоятларига ҳоким этиб тайинлайди. Ўзи эса Самарқандга қайтди [9].

Анқара уруши турли олимларнинг тарихий тадқиқотларида жой олган бўлиб, уларда турк ҳукмдори мағлубиятининг сабабларини таҳлил қилишга ўринишларни кўримшимиз мункин. Хусусан, озарбайжон олими Ш.Мустафаевнинг фикрига кўра: Боязиднинг Кичик Осиёдаги турк бейликларига нисбатан агрессив сиёсати, уларни ерларини босиб олиб Усмонлилар давлатига қўшиб олиниши, шунингдек империянинг ҳудудини Ефрат дарёси қирғоқларигача шарқга қараб кенгайтирилиши, Анқара ўруши арафасда Анадолунинг туркий зодагонлари ўртасида усмонли жангчиларига нисбатан салбий кайфиятларни шакиллантирган ва бундай вазиятда улар, Косово жангида каби усмонлилар байроғи остида бирлашмай, аксинча Боязидга қарши тарафга ўтиб Темурни қўллаб-қуватлаганлар [10].

Шунингдек, айнан Амир Темурнинг олиб борган фаол дипломатик ва ҳарбий сиёсати Европа давлатларининг усмоний турк истилосидан қутқарди ва Константинополь қулашини эллик йилга кечиктирди. Улуғ аждодимизга юксак ифтихор ва минатдорчилик изҳор этиш тариқасида Францияда Амир Темурнинг тилладан ясалган ҳайкали яратилиб ҳозирда у жаҳоннинг энг нуфузли Лувр музейида сақланиб келинмоқда.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев: Армия фақат қурол ва аслаҳа билан эмас, она Ватан учун жонини аямайдиган ҳарбийлар билан қудратлидир // <https://yuz.uz/news/shavkat-mirziyoev-armiya-faqat-qurol-va-aslaha-bilan-emas-ona-vatan-uchun-jonini-ayamaydigan-harbiylar-bilan-qudratlidir>
2. Человек, изменивший ход истории. // <http://marifat.uz/uchitel-uz/rubriki/vneshkolnoe-obrazovanie/5559.htm>
3. Л.Керен. Амир Темур салтанати. Т.: “Ўзбекистон”, 2020. 226-б.
4. К.Гюрай. Отношения эмира Тимура с Европой до и после битвы при Анкаре. // Золотоордынское обозрение. № 3. 2015. С.-37
5. Каримов И. “Амир Темур ҳақида сўз” Т.: Ўзбекистон, 1996. - 110 б.

6. А.Ю.Чернов. Битва при Анкаре 1402 г. В восприятии византийцев // Исторический альманах. №12, 2019. С. -45
7. Л.Керен. Амир Темура салтанати. Т.: “Ўзбекистон”, 2020. 139-б.
8. М.Брион. Менким, соҳибкирон – жаҳонгир Темура. Т.: “Янги аср авлоди”. 2018. 537-б.
9. “Аллоҳ бу дунёни кўр билан чўлоққа қолдирганига куляпман”. Амир Темура Боязидни қандай ер тишлатган? // <https://qalampir.uz/news/allo%D2%B3-bu-duneni-kur-bilan-chulok-k-a-k-oldirganiga-kulyapman-amir-temur-boyazidni-k-anday-yer-tishlatgan-40367>
10. Ш.Мустафаев. Тимур и Боязид: восприятие османской власти в Анатолии накануне битвы при Анкаре // Вестник МИЦАИ. №6, 2012. С.-65